

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3

«05» Апрель 2022 йил.

Муборак шаҳри

"Nasaf Press Servis" МСНЖ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади, узининг **Низоми** (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошлиги **О.Т.Эламонов** (вазифаси, фамилияси, исми) бир томондан, **Муборак туман Тиббиёт бирлашмаси** (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, узининг **Низоми** (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директори **Э.А.Арзиев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета

ҳужжатлари ва 18.03.2022- йилда ТХАБ нинг махсус порталига берилган **56220**- лотга асосан Муборак туман Тиббиёт бирлашмасига карашли **Алишер Навоий ОШП**нинг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кура лойиха смета ҳужжатларида курсатилган иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш ишларининг яъни шартноманинг умумий суммаси **49000000 (Қирк туккиз миллион)** сумни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «05» Апрель 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «30» Апрель 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг-таъмирлаш ишларини бошлайди.

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлаш тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлаш тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТўЛОВЛАР ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

4.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **49000000 (Қирк туккиз миллион)** сумни ташкил қилади. Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома суммасининг 30 % ёки **14700000 (Ун тўрт миллион етти юз минг)** сум 00 т миқдорда олдиндан тулайди. Қолган 70 % ёки **34300000 (Уттиз тўрт миллион уч юз минг)** сумни яъни якуний тўловни «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тадиқловчи ҳужжат ф-2, ф-3, ёки далолатнома тақдим қилингандан сунг амалга оширади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкilotи томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошкча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома суммаси 49000000 (Кирк туккиз миллион) сум бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиб бинони фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган таъмирлаш ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 30 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,2 % миқдориди;

-кейинги 30 кун учун шартнома баҳосидан 0,3 % миқдориди;

-ундан кейинги муддатлар учун 5 % миқдориди;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2- сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0 % миқдориди «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ форма 2-3 ва далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7. КАФОЛАТЛАР

Пудратчи:

7.1. Барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъерлари,қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Узи томонидан таъмирлаш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналари ва бутловчи буюмлар,конструкция ва тизимлар сифатини,уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

7.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 4.1. бандида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

7.3. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда,уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади,бу томонларнинг Ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди. жорий таъмирлаш ишлари қабул қилиб олиш далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 3 уч ой этиб белгиланади.

8.ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

8.1.Ушбу шартнома буйича юзага келадиган баҳс ва мунозаралар томонлар уртасида келишув йули билан, Ёки томонлар узаро келиша олмаган холларда эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ суд тартибида ҳал этилади.

9.ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофиқ тегишли тартибда Газначилик булималаридан руйхатдан утказилгандан кийин қонуний кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати « 31» Декабрь 2022 йилгача.

10. ФОРС МОЖОР

10.1 Айтиб бўлмайдиган, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

11. БОШҚА ҲОЛАТЛАР.

11.1. Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиб турадилар.

12. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«ПУДРАТЧИ»

"Nasaf Press Servis" МСНҲ
(ижрочининг номи)

Манзил: Қарши тумани Поштон МФЙ

тел/факс 97-590-17-71

Х/р 20208000900249522001.

Банк номи: Қарши ш., ОАТБ "ASIA ALLIANCE BANK" Қарши филиали

МФО: 01099 ИНН: 302681988

ОКОНХ: 42210

Рахбар: **О.Т.Эламонов**

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)

«БУЮРТМАЧИ»

Муборак туман Тиббиёт бирлашма
(буюртмачининг номи)

Манзил: Муборак тумани Истиклол МФЙ

тел/факс 55-401-15-69

бюджетдан маблаг олувчи

ИНН :200 699 232 ОКОНХ: 91 511

Ш/р 1000 228 60 10 234 7072 130 054 021

Газначилик булимаси номи.

Ўзб. Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги

Х/р 23 402 000 300 100 001 010

Банк:Марказий банк Тошкент ш бошқармаси ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Рахбар: **Э.А.Арзиев**

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Pudrat shartnomasi.

2. Loyihaning nomi: Buyurtmach Muborak tuman tibbiyot birlashmasi va Pudratchi Nasaf Press Servis mchj o'rtasida, 2022-yil aprel oyidagi, bahosi 49000000 (qirq to'qqiz milion) so'm bo'lgan, ushbu shartnoma loyhasiga va 18.03.2022-yilda TXAB ning maxsus portaliga berilgan 56220- sonli lotga asosan Muborak tuman Tibbiyot birlashmasiga karashli Alisher Navoiy Oshp ning issiklik tizimini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risida.

3. Loyihani ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Muborak tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 4-aprel kuni dasturga kiritilgan.mavjud asoslarga ko'ra.

X U L O S A

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni, hamda O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» ning shartnomaviy huquqiy munosabatlarini tartibga soluvchi moddalari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining davlat haridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida 2018-yil 27-sentybirdagi PQ 3953 -sonli qaroriga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh
yuriskonsulti



A. Djuraev



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NASAF PRESS SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdegi to'liq nomi)

"NASAF PRESS SERVIS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.09.2015

143

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

302681988

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, Poshton, HAQIQIT QISHLOG'I,

Guvohnoma:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'mondan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 56220 на приобретение Муборак тумани тиббиёт бирлашмасининг Алишер Навоий ОШПнинг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 31.03.2022

Время рассмотрения 31.03.2022 10:26

Конкурсная комиссия Муборак Туман Тиббиет Бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XUDAYBERDIYEV BAXRIDDIN TOSHKENTOVICH	Бош шифокор муовини	200699232
Секретарь комиссии	VALIMUXAMMEDOV AHMATQUL RO'ZIQULOVICH	Хужалик ишлар булими мудири	200699232
Член комиссии	ABDUXALIMOV RUZIMUROT ABDIYOXIDOVICH	Касаба уюшма райиси	200699232
Член комиссии	ESHQUVVATOV AKRAM NORTOLTYEVICH	Бош хисобчи	200699232
Член комиссии	CHORSHANBIYEV RAXMONBERDI NASHVANOVICH	Бош хисобчи уринбосари	200699232
Член комиссии	XUSENOV O'LMAS TUXSANOVICH	Хужалик мудири	200699232

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.03.2022 года № лота 56220.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту котельной и отопительной системы
Подробное описание	Муборак тумани тиббиёт бирлашмасининг Алишер Навоий ОШПнинг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	50 000 000.00
Стартовая сумма	50 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Таъмирлаш давомида осбоб ускуналар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NASAF PRESS SERVICE MCHJ	25	Таъмирлаш давомида осбоб	25	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ускуналар мавжудлиги				
ABBOS SOHIL QURILISH LOYIHA MCHJ	25	Сифатли тамирлаб берамиз.	15	Экспертная		
OOO NURISTON TEKS GROUP	25	Барча турдаги ускуналар мавжуд	15	Экспертная		
MA RUF TEZKOR QURILISH	25	Таъмирлаш давомида осбоб ускуналар мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №2 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NASAF PRESS SERVIS MCHJ	25	Кафолат хати	20	Экспертная		
ABBOS SOHIL QURILISH LOYIHA MCHJ	25	Сифатли тамирлаб берамиз.	15	Экспертная		
OOO NURISTON TEKS GROUP	25	25	25	Экспертная		
MA RUF TEZKOR QURILISH	25	Кафолат хати	10	Экспертная		

Критерий №3 Соликдан карадорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NASAF PRESS SERVIS MCHJ	25	Соликдан карадорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома	25	Экспертная		
ABBOS SOHIL QURILISH LOYIHA MCHJ	25	Сифатли тамирлаб берамиз.	15	Экспертная		
OOO NURISTON TEKS GROUP	25	25	20	Экспертная		
MA RUF TEZKOR QURILISH	25	маълумотнома	15	Экспертная		

Критерий №4 Ташлилот давлат руйхатидан утганилиги тугрисида гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NASAF PRESS SERVIS MCHJ	25	Ташилот давлат руйхатидан утганилиги тугрисида гувоҳнома	25	Экспертная		
ABBOS SOHIL QURILISH LOYIHA MCHJ	25	Сифатли тамирлаб берамиз.	25	Экспертная		
OOO NURISTON TEKS GROUP	25	25	25	Экспертная		
MA RUF TEZKOR QURILISH	25	гувоҳнома	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NASAF PRESS SERVIS MCHJ	50 000 000.00	49 000 000.00	29.03.2022 09:44:18	29.08
MA RUF TEZKOR QURILISH	50 000 000.00	49 250 000.00	30.03.2022 19:59:10	28.93
ABBOS SOHIL QURILISH LOYIHA MCHJ	50 000 000.00	49 600 000.00	29.03.2022 19:52:41	28.73
OOO NURISTON TEKS GROUP	50 000 000.00	47 500 000.00	30.03.2022 01:04:51	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
NASAF PRESS SERVIS MCHJ	66.5	29.08	95.58
MA RUF TEZKOR QURILISH	45.5	28.93	74.43
ABBOS SOHIL QURILISH LOYIHA MCHJ	49	28.73	77.73
OOO NURISTON TEKS GROUP	59.5	30	89.5

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 56220 от 31.03.2022 года на приобретение Муборак тумани тиббиёт бирлашмасининг Алишер Навоий ОШПнинг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш определила победителем:

NASAF PRESS SERVIS MCHJ
302681988

и резервный исполнитель: OOO NURISTON TEKS GROUP (305151900)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XUDAYBERDIYEV BAXRIDDIN TOSHKENTOVICH	Согласен	
Член комиссии	XUSENOV O'LMAS TUXSANOVICH	Согласен	
Член комиссии	CHORSHANBIYEV RAXMONBERDI NASHVANOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUXALIMOV RUZIMUROT ABDIYOXIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	ESHQUVVATOV AKRAM NORTOLIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП